

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК  
АГЕНТЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 20 декабрдаги ПҚ-1444-сон қарорига мувофиқ ҳамда иктисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инновациявий технологиялар ҳамда илмий-техникавий ишланмаларни кенг татбиқ этишни рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ишончли муҳофаза қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизида Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилсин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 октябрдаги ПҚ-2637-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2016 й., 45-сон, 520-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги бош директорига бошқарув ходимларининг умумий белгиланган сони доирасида марказий аппаратнинг тузилмасига зарур ҳолларда ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

*(3-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 октябрдаги ПҚ-2637-сонли қарорига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2016 й., 45-сон, 520-модда)*

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси;

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотида ҳамда интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини ифодаловчи ваколатли орган ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун киритсин;

интеллектуал мулк соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Ўқув марказининг тузилмасини ҳамда Уставини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унинг юқори малакали мутахассислар ва зарур моддий-техника базаси билан бутланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий эгаларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш юзасидан судларга бериладиган даъво аризалари бўйича давлат божи тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй манзилига жойлаштирилсин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(8-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги ПФ-5329-сонли Фармонига асосан ўз кучинин йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2018 й., 06/18/5329/0846-сон)*

9. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 24 май,  
ПҚ-1536-сон

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(3-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги ПФ-5329-сонли Фармонига асосан ўз кучинин йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2018 й., 06/18/5329/0846-сон)*

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 227-модда; 2016 й., 45-сон, 520-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2018 й., 06/18/5329/0846-сон)*